

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ:

умумий тарихдан муштарак келажак сари

Туркий давлатлар ташкилоти Оқсоқоллар кенгаши раиси Бинали Йилдиримнинг "Ўзбекистон ва Туркия: умумий тарихдан муштарак келажак сари" мақоласи нуфузли "Business Turk" нашрида бош мақола сифатида эълон қилинди.

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Президентимиз Режеп Таййип Эрдоғаннинг таклифига биноан Туркияга амалга оширажак ташири Туркия – Ўзбекистон муносабатларида эришилган даражани намойиш этишда нихоятда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ташир расмий мулоқотдан кўпроқ мазмунга эга: биродарлик, ўзаро ишонч ва умумий қарашларнинг яққол тасдиғидир, – деди Б.Йилдирим.



Муносабат



ТОШКЕНТ —

УНИ БИРГАЛИКДА ОСУДА ВА ХАВФСИЗ ШАҲАРГА АЙЛАНТИРАМИЗ

Робахон МАХМУДОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
партия фракцияси раҳбари

Тошкент мамлакатимиз пойтахти сифатида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ҳаётимиз маркази саналади. Президентимиз раҳбарлигида Тошкент шаҳрида хавфсиз муҳитни шакллантириш ва жамоат хавфсизлигини таъмин-

лаш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилиши шу жиҳатдан муҳим воқея бўлди.

Йиғилишда таъкидланганидек, сўнгги йилларда шаҳар аҳолиси даромадининг сезиларли ошиши, саноат, хизмат кўрсатиш ва инфратузилма соҳаларида ижобий ўзгаришлар кузатилаётгани халқимиз ҳаётига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Шу билан бирга, жиноят ва ҳуқуқбузарликлар кўрсаткичи кечиктириб бўлмас чоралар кўришни тақозо этаётгани ҳам ҳақиқат. Бу вазиятда ҳуқуқ-тартибот органларининг фаолият самардорлиги, уларнинг модернизация ва инновацияларга мослашуви шаҳар хавфсизлигини таъминлаш учун ҳал қилувчи омил ҳисобланади.



АҚШдаги Стони Брук университети талабаси **Гулкумар Жақсиликова:**

“ВАТАН ВА ЯҚИНЛАР СОҒИНЧИ

билдирилган ишончни оқлаш масъулиятини янада оширади”



ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ



Давлат раҳбарининг: *“Менинг ниятим — ёшларимиз талаб юқори бўлган касблар бўйича дунёда рақобатдош бўлсин”,* деган сўзлари ҳар бир ўқитувчи учун дастуриламал бўлиши шарт. Демак, ўқувчининг қобилиятини тўғри аниқлаб, кимни олий таълимга, кимни касб-хунарга йўналтириш — бугунги мурабийнинг асосий вазифасидир.



Юзма-юз мулоқот

ОЧИҚ МУЛОҚОТ, АМАЛИЙ НАЗОРАТ:

мақсад — халқ ишончини оқлаш

Бугунги юртдошларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий жараёнлар, мамлакатда амалга оширилаётган янгиланишлардан хабардорлиги сезиларли даражада ошиб бормоқда. Бу эса табиий равишда аҳолининг ўз вакиллари — депутатлар билан мулоқотга бўлган эҳтижи, муаммо ва таклифларни очик баён этиш, жамоатчилик назоратида фаол иштирок этишга тайёргини кучайтиради. Зотан, халқ вакиллари асосий вазифаси ҳам одамларнинг дардини эшитиш ва улар манфаатини қонун ижодкорлиги ҳамда назорат жараёнларида ифода этишдан иборат. Январ ойидаги ҳудудий ўрганишлар ҳам ана шу тамойиллар асосида бошланди. Бу сафар депутатлар нафақат аҳоли муурожаатларини тинглаш, балки Президент Муурожаатномаси ҳамда янгиланаётган тараққиёт стратегияси лойиҳасининг мазмун-моҳиятини жойларда кенг тушунтириш мақсадида ҳудудларга йўл олди.



ҲАЛОЛЛИК МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТДИР

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Олимжон Салимов бадий раҳбарлиги, Баҳодир Мирмаҳсудов режиссёрлигида “Қасамёд” спектаклини саҳналаштирган ижодий жамоа томошабинни рози қилиш учун осон йўлни танламагани, балки жамиятдаги оғриқли нуқталарга қўл ургани таҳсинга лойиқ. Бу театр жамоасининг ижтимоий масъулиятни чуқур англаши, санъатни фақат кўнглилар восита эмас, балки маънавий кураш майдони сифатида қабул қилгани ифодасидир.



Мутолаа жараёнидаги ўйлар

Китоб – беминнат, таъмасиз дўст, сабрани суҳбатдош. У бизга билим, маслаҳат беради, йўл-йўриқ кўрсатади, эъвазига ҳеч нарса сўрамайди.



ОЧИҚ МУЛОҚОТ, АМАЛИЙ НАЗОРАТ:

мақсад — халқ ишончини оқлаш



АНДИЖОН ВИЛОЯТИ. Бугун ёшлар сиёсати ёш авлоднинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий онини юксалтириш ва давлат бошқарувида иштирок этишга бўлган қизиқини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Натيجида йигит-қизлар орасида сиёсий партиялар, депутатлик институти ва қонун ижодкорлиги жараёнларига нисбатан қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Бу эса ёшларнинг келажакда дахлдор қарорлар қабул қилишда фаол позиция эгаллаётгани-

дан далолат беради. **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзоси Гулнора Абдувоҳидова** иштирокида Андижон давлат университетида "Депутат ва ёшлар" лойиҳаси доирасида ташкил қилинган маънавий-маърифий тадбирда шу жиҳатлар ўз ифодасини топди. Учрашув талабалар учун сиёсий жараёнларни чуқурроқ англаш, қонунчилик фаолияти билан бевосита танишиш ҳамда депутат билан очик мулоқот қилиш имконини берди. Тадбир аввалида

Гулнора Абдувоҳидова Президентнинг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномаси ҳамда "Ўзбекистон — 2030" тараққиёт стратегиясининг мазмун-моҳиятига батафсил тўхталиб ўтди. Депутат Мурожаатноманинг аввалгиларга нисбатан фарқи жиҳатлари, унда илгари сурилган янги гоёлар ва аниқ вазифалар ҳақида сўз юритиб, айниқса, ёшлар учун яратилаётган кенг имкониятларга алоҳида эътибор қаратди. — Учрашув талабаларимизда сиёсий жараёнларга нисбатан чинакам қизиқиш уйғотди, — дейди

ҳуқуқшуно Мўътабар Содиқова. — Назарий билимлар амалиёт билан уйғунлаштириш, депутат билан мулоқот жараёнида улар янада мустаҳкамланди. Айрим талабалар бугуннинг ўзида сиёсий партия аъзоси бўлишга қарор қилди. Яратилаётган шарт-шароитлар талабаларни изланишга ундаётгани, янги марралар сари бошлаётгани, айниқса, илм-фан, инновация ва тадбиркорлик йўналишларида эришилаётган ютуқлар алоҳида қайд этилди. Таъкидланганидек, ушбу стратегик ҳужжатларнинг замирида юртимизни барқарор ривожлантириш, инсон капиталига сармоа киритиш ва ёшларнинг салоҳиятини тўла рўйбега чиқариш мақсади ётади.

Учрашув давомида фаол ёшлар ва уларнинг ташаббуслари эътироф этилди. Шунингдек, сиёсий партиялар фаолияти, депутатлик институтининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти юзасидан талабаларни қизиқтирган саволларга депутат томонидан атофлича жавоблар, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг фаолияти, қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари, депутатнинг сайловчилар билан ишлаш амалиёти хусусида ҳам маълумотлар берилди. Бу эса ёшларда қонунчилик тизимида нисбатан ишонч ва қизиқини янада оширди.

ТОШКЕНТ - УНИ БИРГАЛИКДА ОСУДА ВА ХАВФСИЗ ШАҲАРГА АЙПАНТИРАМИЗ

Йиғилиш давомида Тошкент шаҳридаги ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятида мавжуд камчиликлар очик танқид қилинди. Хусусан, эски бошқарув услубини давом эттириш, ресурслар ва илмий салоҳиятдан фойдалана олмаслик, профилактика хизматларининг самарали ташкил этилмаётгани ечимини кутаётган муаммо сифатида кўрсатилди. Шунингдек, йирик бозорлар ва аҳоли гавжум жойларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш зарурлиги, бунда ички ишлар, миллий гвардия ва фавуллода вазиятлар тизимларининг ҳамкорлиги сезилмаётгани таъкидланди. Кибержиноятчилик, наркожиноятлар ва уюшган гуруҳларга қарши самарали курашиш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Президентимизнинг Чилонзор тумани мисолида янги тизимни ташкил этиш бўйича кўрсатмалари инновацияни ёндашув сифатида эътиборга моликдир. Бундан ташқари, патрул-пост, йўл-патрул, қўриқлаш ва профилактика хизматларининг 3 сменали хизмат режимида ўтказилиши профилактика инспекторларининг тун-у кун аҳоли билан боғлиқ имкониятини яратилишига, шаҳар хавфсизлигини тўдан яхшилашга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг кибержиноятчиликка қарши курашишда сунъий интеллект мисолидаги илғор технологиялардан фойдаланиш, трансчегаравий ва виртуал майдонда уюшган жиноятчиликка қарши комплекс тизим яратиш бўйича ташаббуслари алоҳида аҳамиятlidir. Бу, ўз навбатида, Тошкент шаҳридаги хавфсизликни таъминлашда замонавий технологиялардан самарали фойдаланишга имкон беради.

Наркожиноятчиликка қарши кураш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ҳам эътиборга молик. Президентимизнинг қунонганча бор. Синтетик гиёҳванд моддаларнинг интернет орқали тарқатилгани, мамлакат ичида лабораторияларнинг пайдо бўла бошлагани вазият биз ўйлагандан-да мураккаб ва ташвишли эканини кўрсатмоқда. Эндиликда наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги бошқа мутасадди идоралар ишини мувофиқлаштириш, назорат ва баҳолаш ваколатига эга бўлади. Бу эса жиноятчиликнинг янги шакллари олдидан олишга хизмат қилади.

Шаҳар хавфсизлигини таъминлашда спорт ва ёшлар сиёсати ҳам эътибордан четда қолмади. Уюшган жиноий гуруҳларга ёш спортчилар ҳам қўшилиб қолаётгани Президентимизни ташвишга солмоқда. Бундай нохуш ҳолатларга қарши курашиш мақсадида пойтахтнинг ҳар бир туманида "Қайтарув гуруҳлари" фаолиятини йўлга қўйиш зарурлиги белгиланди. Уларнинг ёшлар онига зарар етказадиган гоёларга қарши ишлаш тизими ўзининг ижобий натижасини бериши шубҳасиз.

Йиғилишда ички ишлар органлари ходимлари учун рағбатлантириш механизми ҳам эълон қилинди. Профилактика инспекторларининг обрўсини ошириш, уларнинг ишини рағбатлантириш мақсадида ойлик устамалар белгиланди. Уй-жой билан таъминлаш, хизмат стандартларини ягона тизимга келтириш чора-тадбирлари фидойи ходимлар кучига куч, шижоатига шижоат қўшади.

Шунингдек, Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқ-тартибот органларининг фаолиятини "ҳуқуқий аудит"дан ўтказиш, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва янги вазифалар белгилаш борасидаги ташаббуслар ҳам эътиборга лойиқдир. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиздаги қонун устуворлигини мустаҳкамлашга ва ҳуқуқ-тартибот тизимининг самардорлигини оширишга хизмат қилади.

Биз, "Адолат"чилар давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган чора-тадбирларни мамлакатимиз ижтимоий барқарорлигини мустаҳкамлаш, фуқаролар хавфсизлигини кафолатлаш ва шаҳарни жаҳон тажрибасига мослаштириш бўйича муҳим қадам сифатида баҳолаймиз. Шу билан бирга, ушбу вазифаларнинг амалга оширилишини доимий равишда мониторинг қилиш, фуқаролар билан ҳамкорлиги кучайтириш орқали ҳуқуқий-ижтимоий ташаббусларни илгари сурлишда қўл бўламиз.

Парламентда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси йиғилишида бола ҳуқуқларининг кафолатларини янада кучайтириш, таъзиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.



ҚОНУН ПОЙИҲАСИ МУКАММЛАШТИРИЛДИ

Ушбу қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига боланинг энг устун манфаатлари тушунчасини киритиш тақриф этилмоқда.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва унинг тизимидаги ташкилотларга эса таъзиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларнинг ҳамда уларнинг вояга етмаган болаларининг манфаатларини кўзлаб судларга давлат божи тўламасдан ариза, шижоат ва давлолар тақдим этиш, суд мажлисларида қатнашиш ваколатларини бериш назарда тутиляпти.

Шунингдек, қонун лойиҳасида таъзиқ ва зўравонликдан жабрланувчилар махсус марказларга жойлаштирилганда уларга бир ойгача бўлган муддатга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасини бериш ҳам акс этмоқда.

— Ушбу қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилиш давомида бир қатор тақлифлар берган эдик. Ўтган даврда мазкур тақлифлар асосида лойиҳа матни янада такомиллаштирилиб, маромига етказилди, — деди "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Зиедбек Юнусов. — Таъкидлаш жоизки, қонун лойиҳасида акс этаётган нормалар таъзиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар ҳамда уларнинг вояга етмаган фарзандларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Йиғилишда фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳасининг маромига етказилганини эътиборга олиб, уни қўллаб-қувватлашди.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари ўринбосари **Муҳаммадҷон Валиев** январдаги ўрганишларини Қўқон шаҳридаги "Ойдинбулоқ" маҳалласидан бошлади. Маҳалла аҳолиси ва фаоллари билан мулоқотда жамиятни қизиқтиратган долзарб масалалар, мамлакат тараққиётининг устувор йўналишлари ҳамда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсад қилинди.

Муҳаммадҷон Валиев Президентнинг Олий Мажлиси ва халқимизга йўллаган навбатдаги Мурожаатномасида белгиланган асосий гоё ва вазифаларга атофлича тўхталиб ўтди. Таъкидланганидек, бу мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг мантйқий давоми бўлиб, уларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга қаратилган аниқ мақсад ва вазифаларни ўзида мужассам этган. Хусусан, 2026 йилда амалга оширилиши белгиланган олтига энг муҳим устувор йўналиш қамраб олинган бўлиб, улар иқтисодий ётади барқарор ривожлантириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини модернизация қилиш, суд-ҳуқуқ тизимида адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлашга қаратилган. Бу вазифалар халқ фаровонлигини ошириш, ижтимоий тенглик ва адолат тамойилларини қарор топтиришга хизмат қилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Юзма-юз мулоқотда "Ўзбекистон — 2030" тараққиёт стратегияси лойиҳаси ҳам атофлича муҳо-



кама қилинди. Фракция раҳбари ўринбосари стратегиянинг асосий мақсади мамлакатни узок муддатли, барқарор ва инклюзив ривожланиш йўлига олиб чиқиш эканини таъкидлаб, маҳалла аҳолисининг мазкур ҳужжат юзасидан фикр ва тақлифларини тинглади. Аҳоли томонидан билдирилган ташаббуслар ислохотларни янада халқчил, ҳаётйи ва амалиётга яқин қилишда муҳим аҳамият касб

этиши қайд этилди. Жараёнда жамият тараққиётида сиёсий партияларнинг ўрни, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, маҳалла вакилларининг ислохотлар ижросидаги иштироки масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди. Мулоқот иштирокчилари бундай очик учрашувлар аҳолининг давлат сиёсатига бўлган ишончи ва дахлдорлигини янада мустаҳкамлашини таъкидлашди.

маҳалласи фаолияти билан яқиндан танишиди. Учрашув давомида маҳаллада фаолият олиб бораётган "маҳалла еттичилиги" аъзолари билан очик мулоқот ўтказилиб, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, аҳолини қийнаётган масалалар ҳамда уларнинг ечимини юзасидан атофлича фикр алмашилди. Ўрганиш жараёнида маҳалла инфратузилмасининг ҳозирги ҳолати, коммунал хизматлар сифатини яхшилаш, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш амалиёти ҳамда ҳудудда мавжуд долзарб ижтимоий муаммоларга алоҳида эътибор қаратилди. Фракция аъзоси маҳалланинг қундалик фаолияти аҳоли манфаатларига хизмат қилиши, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдирини турганини унутмаслик зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, 27 январь кунини ўтказилган селектор йиғилишида

белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш масаласи кўтарилди. Айниқса, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олишда маҳалла фаолларининг қатъиятли ва фидойи бўлиши муҳимлиги қайд этилди. Бу борада профилактика инспекторлари, таълим муассасалари, жамоатчилик ва маҳалла фаоллари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш лозимлигига алоҳида ургу берилди. Учрашув давомида ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни касб-хунарга йўналтириш, хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш борасида

амалга оширилаётган ишлар ҳам муҳокама марказида бўлди. Шу билан бирга, аҳолини рўйхатга олиш жараёнларини тизимли ва холис ташкил этиш, маълумотларнинг аниқлиги маҳалланинг келгуси режалари ва ижтимоий дастурларни самарали амалга оширишда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Яқунда фракция аъзоси маҳалла давлат ва жамият ўртасидаги энг муҳим кўприк эканини қайд этиб, унинг фаолиятини янада такомиллаштириш, аҳоли ишончи ва розилигини таъминлаш йўлида барча масъуллар бирдек саяй-ҳаракат қилиши зарурлигини таъкидлади.

Айни кунларда партияимиз фракциясининг бошқа аъзолари ҳам ҳудудлардаги ўрганишларини давом эттирмоқда. Бу ҳақда газетамизнинг келгуси сонларида яна хабар берамиз.

Илҳомҷон АБДУСАЛОМОВ тайёрлади





СЎХНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЮКСАПИШИ

Президент раислигида камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича 2026 йилда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар мавзусида видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш аввалида давлатимиз раҳбари 2025 йил якунларига тўхталиб, мамлакат иқтисодиёти барқарор ва юқори суръатларда ривожланаётганини таъкидлади.

Субҳонали НИШОНОВ,
халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши депутати

Қайд этилганидек, ўтган йил иқтисодиётимиз дастлабки прогнозлардан анча юқори ўсишга эришиб, 7,7 фоизга ошган. Ялпи ички маҳсулот ҳажми эса 147 миллиард доллардан ортиқчи ташкил этган.

Умуман, иқтисодиётнинг барча тармоқларида ўсиш 2024 йилга нисбатан юқори бўлгани, жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 43 миллиард долларга, экспорт эса 33,8 миллиард долларга етгани ҳам натижалар кўлаидан дарак беради.

Давлатимиз раҳбари иқтисодий ўсиш қанчалик барқарор бўлса, инфраструктурани яхшилашга, аҳоли бандлигини таъминлашга ва даромадларни оширишга шунчалик кўп имконият яратилади, дея таъкидлади. Ортда қолган бир йил давомида қурилган чора-тадбирлар натижасида 366 минг оила камбағалликдан чиққани, камбағаллик даражаси 8,9 фоиздан 5,8 фоизга, ишсизлик эса 5,5 фоиздан 4,8 фоизга тушгани бунинг яққол исботидир.

Йиғилишда барча даражадаги раҳбарлар учун энг муҳим мезон аниқ белгилаб берилди: *“Имконият бор, маблағ бор, қарор ва дастур бор. Етишмаётган нарсаси – масъулият, шахсий жавобгарлик”*.

Бу талаб бугун Сўх туманида ҳам амалий ишлар орқали ўз ифодасини топиши шарт.

Сўхнинг бетакрор табиати, бой тарихи ва муқаддас қадамжоларини инobatга олган ҳолда Президентимиз томонидан зиёрат ва экотуризм йўналишларини ривожлантиришга катта маблағ ажратилмоқда. Сўх дарёси бўйлаб замонавий дам олиш масканлари, кемпинглар ва туристик инфраструктурани барпо этиш лойиҳалари амалга ошириляпти. Бу ташаббуслар минглаб маҳаллий ва хорижий сайёҳларни жалб этиш, шу орқали туман иқтисодиётини жадал ривожлантиришга хизмат қилади.

Зиёрат туризмни ривожлантириш орқали туманимиздаги табарруқ қадамжоларни обод қилиш, Сўхни маънавий туризм марказига айлантириш

учун кенг имкониятлар мавжуд. Бу лойиҳалар нафақат туризмни ривожлантиради, балки маҳаллаларда йўл, ичимлик суви, электр таъминоти каби муҳим инфраструктурани яхшилашга ҳам хизмат қилади. Энг муҳими, юзлаб сўхлик ёшлар ва хотин-қизлар ўз маҳалласида барқарор иш ўринларига эга бўлади.

Президентимиз таъкидлаганидек, *“Ўзбекистонда битта инструктория бор – халқни рози қилиш”*. Шу боис бизга берилган тарихий имкониятлар ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ҳар бир лойиҳани сифатли ва ўз вақтида якунлаш ҳар бир масъул шахснинг виждони ва шахсий жавобгарлигига боғлиқ. Агар маҳаллаб тизимда ҳар бир раҳбар ўз ишига сикдидилдан ёндашса, Сўх тумани яқин йилларда Фарғона водийсининг энг гўзал ва жозибали туризм дурдонасига айланиши шубҳасиз.

Бизнинг асосий мақсадимиз – Сўх аҳолисининг турмуш даражасини янада юксалтириш, ҳар бир хонадонга файз-барака олиб киришдир.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ – тиббиёт тизимини такомиллаштириш кафолати

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган изчил ислохотлар инсон қадрини улуглаш, аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятlidir. Давлат сиёсатида фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш устувор йўналиш сифатида белгиланган. Шу нуқтаи назардан қаралганда, аҳолини рўйхатга олиш тадбири соғлиқни сақлаш тизимини замон талаблари асосида такомиллаштиришда муҳим ўрин тутаети.

Нилуфар ЖАЪФАРОВА,
халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгаши депутати

Сўнги йилларда мамлакат аҳолисининг ўсиши, ёш таркибидаги ўзгаришлар ҳамда ички миграция жараёнлари кучайди. Бу эса тиббий хизматларга бўлган эҳтиёжнинг ҳудудлар кесимида фарқлиги олиб келмоқда. Бундай шароитда соғлиқни сақлаш соҳасида оқилона қарорлар қабул қилиш учун аниқ ва ишончли демографик маълумотлар зарур. Аҳолини рўйхатга олиш ана шу эҳтиёжни қондирувчи муҳим статистик манба ҳисобланади.

Тиббий инфраструктурани самарали режалаштиришда аҳолининг ҳақиқий сони ва жойлашуви ҳақидаги маълумотлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Айрим ҳудудларда тиббиёт муассасалари ортиқча юклама билан ишлаётган бўлса, бошқа жойларда мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солинмаяпти. Рўйхатга олиш натижалари ҳар бир маҳалла, туман ва шаҳар кесимида аниқ демографик ҳолатни белгилаб бериб, янги шифохоналар, поликлиникалар ҳамда тез тиббий ёрдам хизматларини манзилли ташкил этиш имконини яратаети.

Шунингдек, аҳолининг ёш ва ижтимоий таркиби тўғрисидаги маълумотлар тиббий хизматлар иختисослашувини тўғри белгилашга хизмат қилади.



МУАММО ЕЧИМСИЗ ҚОЛМАЙДИ



“Муаммо билан юзма-юз” лойиҳаси доирасида партияннинг туман кенгашлари томонидан жойларда аҳоли билан мулоқот ўтказилмоқда. Хусусан, Термиз туман кенгаши ишчи гуруҳи тумандаги “Айритом” маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, фуқароларнинг турмуш шароити ва муаммоларини ўрганди. Депутатлар эскирган симёғочларни замонавий темир-бетон устунларга алмаштириш ҳамда ички сув иншоотларини бетонлаштириш борасида амалга оширилган ишлар билан танишдилар. Қонун ижросини таъминлаш мақсадида депутатлик назорати ўрнатилди.



Лойиҳа доирасида Музработ туман кенгаши депутати В. Сидненко “Дўстлик” маҳалласида бўлди. Аҳоли билан учрашув давомида билдирилган муаммолар юзасидан мансабдор шахсларга депутатлик сўрови юборилди.

Шунингдек, Шўрчи туман кенгаши томонидан “Зарбдор”, Бандихон туман кенгаши томонидан “Қудуқсой”, Сароисий туман кенгаши томонидан “Саъдий Шерозий”, Ангор туман кенгаши томонидан “Фаравон”, Қизирик туман кенгаши томонидан “Бўстон”, Бойсун туман кенгаши томонидан “Тузбозор” маҳаллаларига ишчи гуруҳлари чиқарилди.

Бундай амалий учрашувлар аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни кучайтириш, муаммоларни жойида ўрганиш ва ечим топишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот хизмати



Масалан, болалар улуши юқори бўлган ҳудудларда педиатрия хизматларини кенгайтириш, кексалар салмоғи катта бўлган жойларда эса юрак-қон томир, асаб ва сурункали касалликлар бўйича мутахассислар сонини ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу тиббиёт кадрларини самарали тақсимлаш ва хизмат сифати ошишига замин яратаети.

Аҳолини рўйхатга олиш натижалари дори-дармон таъминоти тизимида ҳам муҳим аҳамият касб этаети. Аниқ ҳисоб-китобларга асосланган маълумотлар имтиёзли ва бепул дори воситаларини режалаштиришда ортиқча сарф-харажатларнинг олдини олада. Бу эса давлат маблағларидан оқилона фойдаланиш билан бирга, беморларнинг зарур дори-дармонларни ўз вақтида олишини таъминлайди.

Бундан ташқари, демографик маълумотлар профилактик тиббиётни ривожлантиришга хизмат қилади. Аниқ маълумотларга таянган ҳолда хавф гуруҳларини белгилаш, скрининг текширувларини мақсадли ташкил этиш ва касалликларни эрта аниқлаш имконияти кенгайаети. Натижада аҳоли саломатлигини яхшилашиб, касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари пасайишига эришилади.

Аниқ рақамлар ва ҳақиқий эҳтиёжларга асосланган ёндашув эса тиббий хизматлар сифатини ошириш, соҳадаги муаммоларни тизимли ҳал этишга хизмат қилади. Чунки ишончли маълумот – самарали бошқарув ва соғлом жамият барпо этишнинг энг муҳим омилларидан биридир.

ҲАР БИР ИНСОН ЎЗ ҲУҚУҚИНИ билиши керак

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида энди меҳнат бозори мутлақо янги архитектура асосида шакллантирилишини таъкидлади. Бунда касб, малака, технология ва таълимни бирлаштирадиган ягона механизм яратилиши зарур. Бу эса замонавий касбларни эгаллашни талаб этаети. Айтиш мумкинки, иш берувчи билан ходим ўртасидаги муносабатлар қонун асосида йўлга қўйилиши, меҳнаткашлар ўз ҳуқуқини яхши билиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

“Адолат” СДП Жалақудук туман кенгаши ташаббуси билан “Меҳнат бозори ва меҳнат муносабатлари” мавзусида ташкил этилган давра суҳбатиде шу ҳақида сўз юритилди. Тадбирда партия фаоллари, корхона ва ташкилот ходимлари, меҳнат муносабатларини назорат қилувчи ташки-

лот вакиллари ҳамда ҳуқуқшунослар иштирок этди.

Омбудсманнинг Андижон вилоятидаги минтақавий вакили Жасурбек Иброҳимов, ҳуқуқшунос Азизбек Жалилов, Бандликка кўмаклашиш маркази масъул ходими Райҳона Жўраева сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбари томо-

нидан Мурожаатномада илгари сурилган вазифалар, янги меҳнат бозори ва амалдаги Меҳнат кодекси тўғрисида иштирокчиларга тушунча беришди. Иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатлар, ишловчининг ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратилди.

– *Ҳар бир ходим ўз ҳуқуқини билиши мақсадга мувофиқ, – деди ҳуқуқшунос А.Жалилов. – Иш берувчи билан ходим ўртасида тузиладиган меҳнат шартномаси талаб даражасида бўлиши зарур. Айримлар бунга оддий ҳужжат сифатида қарайди. Аслида, меҳнат шартномаси ходим ҳуқуқини кафолатлайдиган бош ҳужжатдир.*

Давра суҳбатиде таъкидланганидек, меҳнат бозорига йилга 300 минг нафар олий маълумотли кадрлар кириб келаётгани масъулиятни янада



оширади. Бу айна вақтда иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш нақадар муҳимлигини кўрсатади.

Давра суҳбати якунида мавзу юзасидан иштирокчиларнинг билимларини синовдан ўтказиш мақсадида танлов ўтказилди. Фаол

иштирокчилар муносиб тақдирландилар.

Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати



ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИ — БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

Бугунги кунда глобал иқтисодиётда энергия ресурсларининг қадри тобора ортиб бормоқда. Саноатнинг етакчи корхоналари, хусусан, Олмалик кон-металлургия комбинати учун энергия самарадорлигини ошириш нафақат харажатларни камайтириш, балки маҳсулот рақобатбардорлигини таъминлашнинг бош омилidir.

Даврон ДОСМЕТОВ, ОКМК Энергетика хизмати департаменти бошлиғи

Бу борада комбинатда энергия сарфини оптималлаштириш юзасидан амалга оширилаётган стратегик ислохотлар ва уларнинг иқтисодий натижаларини буйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар бир киловатт-соат энергиянинг ортида машаққатли меҳнат ва катта харажат ётади. ОКМКдек гигант корхонада энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш ишлаб чиқариш занжирининг энг муҳим бўлини айланган. Комбинатда энергия тежамкорлиги буйича қандай натижаларга эришилди ва олданда бизни қандай марралар кутмоқда? Бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар буйича рақамлар ва фактлар таҳлилга назар солаемиз.

Узбекистон Республикасининг 2024 йил 7 августдаги "Энергия тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги 940-сонли қонуни ижросини таъминлаш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 19 октябрдаги "Ўқилги-энергетика ресурслари истеъмолчилари ҳамда бино ва иншоотларнинг энергия истеъмолини энергия аудитидан ўтказиш тартибини белгилаш тўғрисида"ги 690-сонли қарорига мувофиқ, "Олмалик КМК" АЖда 2025 йил декабрь ойида бир қатор таркибий бўлинмаларида ўтказилган энергия текшируви якунланди.

Жумладан, энергия аудити 2-Мис бойитиш фабрикаси, Рух заводи, Оҳак заводи, Электр тармоқлари бошқармаси, Саноат сув таъминоти бошқармаси, Ангрен кон бошқармаси, Чодак кон бошқармаси, Саноат темир йўл транспорти бошқармаси, Автомобиль транспорти бошқармаси, Технологик транспорт бошқармаси, Ковулди кони ва "Хондиза" кон бошқармаси каби корхоналарда энергия аудити ўз ниҳоясига етди.

Мазкур энергия аудити "Олмалик КМК" АЖ ва "Средазсветметенерго" АЖнинг "ТПНСУ" УК ўртасида тузилган шартномага асосан 2024-2025 йиллар давомида ўтказилди. Комбинат корхоналарида энергия аудитини ўтказишдан қўзланган мақсад барча ўрганилган корхоналарда ёқилги-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш, улардан фойдаланишдаги қондибузарликларнинг сабабларини очиб бериш, ёқилги-энергетика ресурслари сарфининг ҳақиқий солиштирма микдорларини аниқлашдан иборат бўлди.

Шунингдек, мавжуд тежаш заҳираларини аниқлаш, техник ва таркибий энергия тежаш чора-тадбирлари дастурларини ишлаб чиқиш, прогноз қилинган тежамкорликни натура ва пўл куринишда кўрсатиш, режалаштирилган чора-тадбирларнинг дастлабки қийматини аниқлаш ҳам энергия аудитининг бош мақсади бўлди.

Ўтказилган энергетик текширув натижаларига кўра, юқори малакали аудиторлар томонидан корхоналарнинг энергия тежамкорлигини ошириш ва электр энергияси, иссиқлик, табиий газ ва саноат суви харажатларини камайтиришга қаратилган таркибий-техник тадбирларни амалга ошириш буйича дастур ишлаб чиқилди. Ушбу дастур 52 та тадбирдан иборат бўлиб, унда бир қатор муҳим масалалар ўрин олган.

Хусусан, дастурда фотоэлектр станцияларини ўрнатиш орқали корхоналарнинг ўз эҳтиёжлари учун "яшил" электр энергияси ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган тадбирлар, ҳар бир корхонада энергияни техник ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш, истеъмол пайтида электр энергияси йўқотишларини камайтириш учун реактив қувватни компенсациялаш қурилмаларини (РҚКК) жорий этиш белгиланган.

Бундан ташқари, электр энергияси кўп сарфланадиган участкаларда янада замонавий ва энергия тежайдиган ускуналари (Рух заводидаги велл-лаш цехининг айланма ва куйдириш печларида газ горелкалари, барча бўлинмаларда эскирган энергия истеъмол қилувчи ускуналари модернизация қилиш), маъмурий-маиший биналарда энергия тежаш тадбирларини комплекс жорий этиш дастурдаги тадбирлардан ўрин олган.

Шунингдек, ортиқча иссиқликни утилизация қилишда электр энергияси ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш ҳам кўзда тутилган.

Энергия тежаш чора-тадбирларини амалга ошириш дастури узоқ муддатли даврга ва 2030 йилгача мўлжалланган бўлиб, унинг натижасида энергия ресурслари истеъмоли сезиларли даражада камаяди.

Шу жумладан, ҳозирги кунда комбинатнинг 80 та объектида ўрнатилган фотоэлектр станцияларининг умумий қуввати 7 344 кВтни ташкил этади. Мазкур фотоэлектр станциялари томонидан 2025 йил давомида жами 6,4 миллион кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилди.

Мазлумот учун: ОКМКда амалга оширилаётган тежамкорлик сиёсати натижасида 2025 йилда 143,9 миллион кВт соат электр энергияси ҳамда 16,7 миллион куб/метр табиий газ иқтисодига эришилди.

Энергия сарфи юқори бўлган корхона сифатида ОКМК энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, технологик жараёнларни доимий равишда такомиллаштириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш, энергия ресурслари сарфининг солиштирма меъёрларини камайтириш орқали энергия самарадорлигини доимий равишда оширишга интилади. Бу эса келгусида комбинатга ишлаб чиқарилётган маҳсулот таннархини сезиларли даражада камайтириш, шунингдек, мамлакатимиз рангли металлургиясининг етакчиси ва байроқдори сифатидаги мавқеини янада мустаҳкамлаш имконини беради.

2026 йилдан бошлаб техник умумларда "дуал таълим" асосида ўқитилган 100 миң нафар ўқувчи илк бор стипендия тўланаши, "аъло" баҳо билан битта ўқувчи ёшлар учун тўлов миқдори оширилиши таълимга бўлган муносабатни тубдан ўзгартиради.

Давлат раҳбарининг: **"Менинг ниъатим — ёшларимиз талаб юқори бўлган касблар буйича дунёда рақобатдош бўлсин"**, деган сўзлари ҳар бир ўқувчи учун дастурийлаш бўлиши шарт. Демак, ўқувчининг қобилиятини тўғри аниқлаб, кимни олий таълимга, кимни касб-хунарга йўналтириш — бугунги мураббийнинг асосий вазифасидир.

Мактабимизда 49 та фан ва қизиқиш тўғрисидаги мавжуд бўлиб, улар ўқувчиларнинг интеллектуал, ижодий ва жисмоний салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. Аммо натижаларини эришиш учун мураббийлар манфаатдорлигини ошириш, иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш зарур. Чунончи, фан олимпиадаларини барчага тенг имконият яратган ҳолда ўтказиш адолатли рақобатни таъминлайди ва янги истеъдодларни кашф этади.

Бугун таълим мазмуни энг муҳим масалалардан бири ҳисобланмоқда. Тил ва адабиёт фанларини тубдан миллийлаштириш, тарихни ҳақиқий тарих билан боғлаб ўқиш, дарсликлардан самарали фойдаланиш — бугунги кун талаби.

Мактабимиз кутубхонасида бадиий адабиётлар етарли. Улар орасида Ибн Сино, Беруний, Улуғбек каби буюк алломаларимизнинг илмий ва маънавий мероси билан боғлиқ асарлар алоҳида ўрин олган.

Мактабимизда 80 нафар ўқувчи бўлиб, улардан 9 нафари олий, 17 нафари биринчи тоифали педагоглар. Ёш ўқувчилар 45 фоизни, аёллар эса 58 фоизни ташкил этади.

Йигирма нафарга яқин "Адолат" СДП аъзолари фаол педагог Умида Каримова раҳбарлик қилаётган бошланғич партия ташкилотига бириккан. Бу эса мактаб жамоасига сиёсий куч бағишлаб келмоқда. Партия "Ёшлар қаноти" раиси, тарих фани ўқитувчиси Илҳомжон Иномов, она тили ва адабиёти ўқитувчиси Моҳира Қўдошева, инглиз тили ўқитувчиси Муаззам Раззоқова, рус тили ўқитувчиси Шухрат Гафоров каби фидойи педагоглар мактаб жамоасининг таянчи ҳисобланишади.

Худудлардан хабарлар

Онахон ҳаёти сақлаб қолинди

Инсон ҳаёти — энг улғу бойлик. Айниқса, улғу ёшдаги инсон тақдирини шифокор маҳорати, масъулиятига боғлиқ бўлган паллалар бор. Ана шундай синовли дамларда қабул қилинган тўғри қарор, ўз вақтида қўлланилган тиббий ёрдам инсон ҳаётини асраб қолиши мумкин. Вилоятимизда рўй берган куйидаги воқеа айнан шундай инсонпарварлик ва касбий фидойиликнинг ёрқин намунаси бўлди. Худудда яшовчи 98 ёшли онахоннинг қорин бўшлиғида катталиги 25 сантиметрга етган туҳумдон кистаси жарроҳлик йўли билан олиб ташланди.



Этиборлиси, бемор ушбу оғир касаллик билан қарийб 18 йил давомида оғриб келган. Ёшининг катталиги сабабли бугунга қадар ҳам яқинлари, ҳам тиббиёт ходимлари жарроҳлик амалиётини ўтказиш масаласида иккиланган. Сунгги кунларда онахон аҳолининг кескин ёмонлашуви барчани ташвишга солди. Яқинлари уни зудлик билан Гулистон туман тиббиёт бирлашмасидаги шошилинч тиббий ёрдам бўлимига олиб келишди. Текширувлар жараёнида қорин бўшлиғида йирик туҳумдон кистаси аниқланди.

Бу ҳолат бемор ҳаёти учун хавфли бўлгани сабабли шифокорлар томонидан зудлик билан операция қилиш ҳақида қарор қабул қилинди. Қарийб 40 дақиқа давом этган мураккаб ва юқори хавфли жарроҳлик амалиёти тажрибали, малакали шифокорлар жамоаси томонидан муваффақиятли якунланди. Натижада онахон ҳаётига жиддий таҳдид солаётган усимта олиб ташланди ва беморнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Таъкидлаш жоиз, мазкур ноб ва масъулиятли операцияни муваффақиятли амалга оширган шифокор партияимизнинг Гулистон туман тиббиёт бирлашмасидаги бошланғич партия ташкилоти раиси Алишер Эркабоев ҳисобланади.

Муниса ОДИЛЖОН,
Сирдарё вилояти кенгаши матбуот котиби

Шовотлик депутатлар фаол вакиллик гуруҳи бўлди

Депутатлик гуруҳларининг аниқ ҳисобот асосида иш олиб бориши, амалга оширилган ишлар юзасидан жамоатчиликка ҳисоб бериши давлат ва жамият ўртасидаги ишончни мустаҳкамлайди. Шундан келиб чиқиб, "Адолат" СДП тизимидаги депутатлик гуруҳларининг фаолиятини тизимли таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Халқ депутатлари Шовот туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳининг ҳисобот йиғилиши шу мақсадда ташкил қилинди.

Партия фаоллари, депутатлик гуруҳи аъзолари, шунингдек, туман Кенгаши котибияти вакиллари иштирок этган йиғилиш кун тартибига депутатларнинг 2025 йилда амалга оширган ишлари сарҳисоби ҳамда 2026 йилга мўлжалланган устувор вазифалар ва режалари киритилди. Жараёни депутатлик гуруҳи раҳбари Азамат Қаландаров олиб борди. Таъкидланганидек, айни пайтда олти нафар депутат жойларда сайловчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли муаммоларини кўтариш ва уларнинг ечимига эришиш борасида самарали фаолият олиб бормоқда.

Ҳисобот даврида сайловчилар муносабатларига асосан тегишли мансабдор шахслар номига 69 та депутатлик сўрови юборилган бўлиб, улардан 67 таси ижобий ҳал этилган. Қолаверса, 48 та муаммо оғзаки муносабатлар асосида ўз ечимини топган. Муаммоларнинг асосий қисми бандлик масалалари билан боғлиқ бўлиб, шунингдек, ички йўллар, коммунал хизматлар, тиббиёт соҳасига оид масалалар ҳам депутатлар эътибор марказида бўлгани қайд этилди.

Депутатлик гуруҳи томонидан амалга оширилган ишлар 262 марта оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали ёритилгани улар фаолиятининг очик олиб борилаётганидан далолат беради. Шу билан бирга, депутатлик гуруҳи томонидан халқ депутатлари туман Кенгаши сессияларига долзарб ҳисобланган 9 та масала киритилиб, муҳокама қилинган ва сессия қарорлари асосида амалиётга самарали таътиб этилган. Доимий комиссия йиғилишларида 13 та масала кўриб чиқилиб, 15 нафар мансабдор шахсининг ҳисоботи тингланган.

Йиғилишда, шунингдек, 2025 йил давомида туманда амалга оширилган ижтимоий, иқтисодий ва инфратузилма лойиҳалари натижалари ҳам таҳлил қилинди. 2026 йил учун эса ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли муаммоларини тизимли ҳал этиш, маҳаллий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда давлат дастурларини жойларда самарали амалга ошириш каби устувор вазифалар белгилаб олинди. Айни пайтда гуруҳ ўтган йил давомида туман миқёсида энг яхши кўрсаткичларга эга бўлгани алоҳида эътиборга эга.

Замира АБДУЛЛАЕВА,
Хоразм вилояти кенгаши матбуот котиби

Мактаб — юксалишнинг бош йўли

ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Давлатимиз раҳбари томонидан Олий Мажлис ва халқимизга йўлланган навбатдаги Мурожаатнома мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичини белгилаб берган, давлат сиёсатида инсон, айниқса, ёш авлод манфаатларини устувор қилаётган дастурий ҳужжат сифатида тарихга кирди.

Дилфуза ҲОЖИЕВА, "Адолат" СДП Наманган туман Кенгаши "Аёллар қаноти" раиси, 90-умумтаълим мактаби директори

Президентнинг: **"Буеун тарихнинг ўзи, ҳаётнинг ўзи зиммасизга буюк бир масъулиятни юкламоқда"**, деган сўзлари ҳар бир таълим муассасаси, ҳар бир синф хонасида янграмоғи керак. Чунки юрт келажаги — аввало мактабдан, мураббий қалбидан, ўқувчи тафаккуридан бошланади.

Дарвоқе, Янги Ўзбекистон янги таълим ҳуқуқий, ижтимоий ва маънавий муносабатлар асосида яшамоқда. Жамиятимиз мустақил фикрлайдиган, озод ва эркин инсонлар диёрига айланмоқда. Бу жараён таълим тизими зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди. Энди мактаб фақат билим берувчи муассаса эмас, балки жамиятга етук шахсни етказиб берадиган, ҳаётга тайёрлайдиган муҳим ижтимоий манзил ҳисобланади.

Бу борада мактабимизда амалга оширилаётган ишлар давлат сиёсати билан боғлиқ бўлиши шарт. Демак, ўқувчининг қобилиятини тўғри аниқлаб, кимни олий таълимга, кимни касб-хунарга йўналтириш — бугунги мураббийнинг асосий вазифасидир.

Мактабимизда 49 та фан ва қизиқиш тўғрисидаги мавжуд бўлиб, улар ўқувчиларнинг интеллектуал, ижодий ва жисмоний салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. Аммо натижаларини эришиш учун мураббийлар манфаатдорлигини ошириш, иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш зарур. Чунончи, фан олимпиадаларини барчага тенг имконият яратган ҳолда ўтказиш адолатли рақобатни таъминлайди ва янги истеъдодларни кашф этади.



Бугун таълим мазмуни энг муҳим масалалардан бири ҳисобланмоқда. Тил ва адабиёт фанларини тубдан миллийлаштириш, тарихни ҳақиқий тарих билан боғлаб ўқиш, дарсликлардан самарали фойдаланиш — бугунги кун талаби.

Мактабимиз кутубхонасида бадиий адабиётлар етарли. Улар орасида Ибн Сино, Беруний, Улуғбек каби буюк алломаларимизнинг илмий ва маънавий мероси билан боғлиқ асарлар алоҳида ўрин олган.

Мактабимизда 80 нафар ўқувчи бўлиб, улардан 9 нафари олий, 17 нафари биринчи тоифали педагоглар. Ёш ўқувчилар 45 фоизни, аёллар эса 58 фоизни ташкил этади.

Йигирма нафарга яқин "Адолат" СДП аъзолари фаол педагог Умида Каримова раҳбарлик қилаётган бошланғич партия ташкилотига бириккан. Бу эса мактаб жамоасига сиёсий куч бағишлаб келмоқда. Партия "Ёшлар қаноти" раиси, тарих фани ўқитувчиси Илҳомжон Иномов, она тили ва адабиёти ўқитувчиси Моҳира Қўдошева, инглиз тили ўқитувчиси Муаззам Раззоқова, рус тили ўқитувчиси Шухрат Гафоров каби фидойи педагоглар мактаб жамоасининг таянчи ҳисобланишади.

АК, Мдаги Стони Брук университети
талабаси Гулқумар Жақсилукова:

“ВАТАН ВА ЯҚИНЛАР СОҒИНЧИ БИЛДИРИЛГАН ИШОНЧНИ ОҚЛАШ МАСЪУЛИЯТИНИ ЯНАДА ОШИРАДИ”

Жаҳон адабиётда шундай қўйма, сермазмун фикрлар борки, улар вақт ўтиши билан қадрини йўқотмайди, аксинча, ҳар бир авлод учун янги маъно касб этади. Пауло Коэлонинг “Алкимегар” асаридagi “Агар инсон бир нарсани астойдил хоҳласа, бутун коинот унга эришишда ёрдам беради” деган машҳур ибораси ҳам ана шундай ҳаётий ҳақиқатлар жумласидан. Аммо бу фикр нафақат орзу қилиш, шу билан бирга, ҳаракат, меҳнат ва ўз олдига қўйилган мақсадни қатъи амалга ошириш учун масъул бўлиш ҳақида ҳамдир. “Эл-юрт умиди” стипендияси соҳибаси, шунингдек, “Ибрат фарзандлари” ва “Мутолаа” лойиҳалари координатори сифатида фаолият юритувчи Гулқумар Жақсилукова ҳам ана шу масъулиятни елкасида ҳис қилган ҳолда билим излаб океан ортига йўл олди. Тенгдошимиз хорижда таҳсил олиш давомида академик тажрибадан ташқари Ватан соғинчи, ота-она ишончи ва юрт умидини оқлаш ҳислари билан яшамокда. Рукнмиз доирасида шижоатли қорақалпоқ қизи ўз йўли, мақсадлари, ички кечинмалари ҳамда ёшларга куч бағишлайдиган ҳаётий тавсиялари билан ўртоқлашди.

– Гулқумар, Чимбой туманидаги чекка қишлоқдан бошланган ҳаёт йўлингиз бугун Нью-Йоркдаги нуфузли университетга олиб келди. Орта назар ташласангиз, айнан қайси қарор ёки қайси босқич сизни бу даражага етаклади, деб ўйлайсиз? Болалигингиз ва илк мактаб даври ҳақида озгина гаплашсак...

– Туманимиздаги чекка қишлоқлардан бири – Қизилўзакда туғилганман. Шу қишлоқдаги 17-мактабда 5-синфгача ўқидим. Кейинчалик, 2017 йилда Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда илк бор ташкил этилган Ибройим Юсупов номидаги ижод мактабига имтиҳон топшириб, қабул қилинган, 11-синфини ушбу даргоҳда тамомладим. Навбатдаги босқич пойтахт билан боғлиқ бўлди. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети-нинг Халқаро журналистика факультетига ўқишга кириб, у ерда бир йил таҳсил олдим. Бироқ қалбимнинг тубидаги орзу – хорижда, хусусан, АҚШда ўқиш истаги мени ҳеч қачон тарк этмади. Айни пайтда Нью-Йорк штатида жойлашган Стони Брук университетида журналистика йўналишида таҳсил оляпман. Шу билан бирга, қўшимча соҳа сифатида халқаро муносабатлар бўйича минор дастурида ҳам ўқияпман. Ҳозир иккинчи курс талабасиман.

– Чет элда яшаш ва таҳсил олиш жараёни сизга нималарни ўргатди? Бу даврда энг қийин ва энг муҳим сабоқ бўлган жиҳатлар қайсилар?

– Ота-онам, умуман, оилам билан бирга яшашаётганимга бу йил тўққан йил тўлди. Ижод мактабиди таҳсил олган даврларимда ҳам ётоқхонада яшаганман. Сабаби, Нукус шаҳри қишлоғимдан анча узоқ эди. Кейинчалик Жаҳон тиллари университети ётоқхонаси, ҳозир эса хориждаги талабалик ҳаёти – буларнинг барчаси мустақил яшашга аста-секин ўргатди. Бироқ Ўзбекистондаги ётоқхона ҳаёти билан чет элда, оиладан бутунлай узоқда яшаш ўртасида катта фарқ бор экан. Чет элга келган инсон барча муаммоларини ўзи ҳал қилишига тўғри келади. Шунинг учун ўқиш билан боғлиқ масалалар

бўладими, кундалик ҳаётдаги бошқа қийинчиликларми – кўп ҳолларда уйдагиларни бевозта қилмасдан, барчасини ўзим ҳал қилишга ҳаракат қиламан. Чет элда ўқиш юртимизда ўрганиб қолган ҳаёт тарзидан анча мураккаб эканини бу ерда шахсан ҳис қияпман. Энг катта сабоқ эса ота-онам ва яқинларимнинг қадрига етиш бўлди.

Ҳозир эса йилда бир ёки ярим йилда бир бор Ватанга қайтганимда, бу туйғуларни янада чуқурроқ ҳис қиламан. Оила соғинчи, Ватан соғинчи биринчи ўринга чиқади. Оила, миллий таомларимиз, маданиятимиз, урф-одатларимиз нақадар бебаҳо эканини айнан мусофирликда англаяпман. Бежиз “мусофир бўлмагунча Ватан қадрини билмайсан” дейишмайди. Бу сўзлар ҳаётимда ўз исботини топяпти. Шу билан бирга, чет элда ўқиш қарорини қабул қилганимдан ҳеч қачон афсусланмайман. Чунки бу ерда ҳар томонлама ривожланишнинг нафақат билим жиҳатидан, балки мустақил қарор қабул қилиш, муаммоларни ўз кучим билан ҳал қилиш, молиявий масалаларни тўғри қарор қилиш ҳам ўрганилган. Албатта, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бор, бироқ маблағни оқилона сарфлаш ҳам алоҳида масъулият талаб қилади. Қисқаси, чет элдаги таҳсил мен учун ҳаёт мактабига айланяпти.

– Турли муҳитларда таҳсил олиш дунёқарашингизни кенгайтиргани аниқ, АҚШ таълим тизимининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида тўхтайсизми?

– Америка таълим тизимининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида гапирадиган бўлсам, у Ўзбекистондаги таълим тизимидан кескин фарқ қилишини алоҳида таъкидлаш керак. Бошида бу тизимга кўникиш осон бўлмади. Энг катта фарқ, аввало, талабаларга бериладиган эркинликда намоён бўлади. Бу ерда талабалар янги семестр бошланишидан бир-икки ой олдинок ўзлари ўқийдиган фанларни, уларни ўқитадиган профессорларни, ҳатто дарс вақтларини ҳам мустақил равишда танлайди. Одатда, камиди тўртта, кўпи билан беш-олтита фан танлаш мумкин. Ҳар бир фан бўйича бир нечта вариант таклиф эти-

лади: турли вақтлар, турли профессорлар. Масалан, битта фан учун беш-олтита гуруҳ очилади ва талаба ўзига маъқул бўлган вақтни ёки ўқитувчини танлайди. Қолаверса, профессорларнинг қандай дарс ўтиши ҳақида аввал ўқиган талабалар қолдирган фикр-мулоҳазалар – фидбэклар орқали ҳам маълумот олиш мумкин.

Дарс жадвали масаласида ҳам катта фарқ бор. Ўзбекистондаги каби ҳафтасига беш кун, эрталаб соат 8:30 дан тушликкача мажбурий ўқиш талаби йўқ. Агар истаса, талаба дарсларини уч кунга жамлаши мумкин, истаса эрталабги ёки тўшдан кейинги машғуллотларни танлайди. Мен шахсан дарсларимни тўрт кунга жойлаштирганман, қолган кунларда эса мустақил тайёрларлик ва топшириқлар билан шугулланаман. Мени янада ҳайратга солган жиҳат баҳолаш тизими бўлди. Бу ерда ҳам эркинлик устувор. Айрим фанларда дарсга қатнашиш мажбурий эмас, баъзиларида эса белгиланган тартиб бор. Лекин ҳатто мажбурий фанларда ҳам профессор “Нега келмадинг?” ёки “Нега ўтган дарсга келмадинг?” деб сўраб ўтирмайди. Чунки барчаси фоизлар орқали баҳоланади. Масалан, умумий баҳолаш 100 фоиз деб олинади. Шундан тахминан 10 фоизи дарсга мунтазам қатнашишга, 40 фоизи оралиқ ишлар ва топшириқларга, 10 фоизи турли лойиҳаларда иштирок этишга, қолган 30 фоизи эса ақлий имтиҳонга тўғри келади. Агар талаба дарсга қатнашмас, унинг баҳо-сидан шунчаки фоиз камайиб бораверади. Ҳеч ким ортидан қувиб, изоҳ талаб қилмайди. Бу тизим талаба учун жуда аниқ бир фикрни ўргатади: сен ўқишга профессор ёки университет учун эмас, ўзинг учун келасан. Дарсга қатнашиш – мажбурият эмас, балки шахсий манфаат ва масъулият масаласи. Баҳодаги ҳар бир фоиз эса талаба меҳнатининг бевосита натижаси ҳисобланади.

– Билишимизча, “Ибрат фарзандлари” ва “Мутолаа” лойиҳаларининг Қорақалпоғистондаги координатори сифатида ҳам фаолият юратасиз. Элдош ёшларга хорижий тилларни ўргатиш ва мутолаа маданиятини юксалтириш бўйича айна пайтгача нималарга эришдингиз?

– “Ибрат фарзандлари” ва “Мутолаа” лойиҳаларида фаолият юрита бошлаганимга ҳали кўп бўлгани йўқ. Анқироғи, 2025 йил июнь ойидан ушбу ташаббусларга қўшилиб, асосан уч ой давомида Ўзбекистонда бўлган пайтимда фаол иш олиб бордим. Бу лойиҳаларга кириб келишимга Ёшлар ишлари агентлиги раиси Алишер Саъдуллаев билан ўтган йили апрель ойида Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган учрашувиимиз туртки бўлди. Уша мулоқот чоғида ўз мақсадларим, режаларим ҳақида гапириб берганимда, Алишер Саъдуллаев томонидан агентлик жамоасида маошли амалиёт ўташ таклифи билдирилди. Мен бу таклифни мамнуният билан қабул қилдим ва Ўзбекистонга қайтишим биланоқ, Ёшлар ишлари агентлигида фаолиятимни бошла-



дим. Бу вақт давомида Қорақалпоғистон Республикасининг деярли барча ҳудудларида – шаҳар ва туманларда “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси доирасида хорижий тилларни ўргатиш, “Мутолаа” лойиҳаси орқали китобхонлик маданиятини тарғиб қилиш бўйича учрашув ва тақдиротлар ўтказдим.

Шу билан бирга, ўз ташаббусим билан ёшларга хорижий университетларга ҳужжат топшириш, “Эл-юрт умиди” грантида иштирок этиш ва уни қўлга киритиш йўллари ҳақида ҳам батафсил тушунтиришлар бердим. Ҳар бир ҳудуддаги ёшлар марказларида, айрим жойларда эса бундай марказлар мавжуд бўлмагани сабабли мактабларда тақдиротлар ташкил этдим. Бу учрашувлар орқали кўплаб ёшларни тил ўрганишга, мутолаага ва ўз келажаги ҳақида кенроқ ўйлашга ҳаракат қилди. Айни пайтда “Ибрат фарзандлари” ва “Мутолаа” лойиҳаларининг Instagram саҳифалари ҳам фаол ишламоқда. Мен ҳозир хорижда бўлганим сабаб, Қорақалпоғистонда мактаблар кесимида волонтерлар жамоасини шакллантирдим. Улар мустақил равишда лойиҳаларни давом эттиряпти, мен эса масофадан туриб мувофиқлаштириш ва маслаҳат бериш ишларини олиб борапман.

– Сиз билан бир курсда ўқиганмиз. Уша пайтда “Эл-юрт умиди” жамғармаси грантини қўлга киритиш учун жиддий тайёргарлик кўргангизга гувоҳ бўлганман. Умуман, хорижда ўқишни мақсад қилган ёшлар бу борада қайси жиҳатларга амал қилиши керак?

– Хорижда ўқишни мақсад қилган ёшларга мен тайёр шаблон бера оламан, дейишдан йироқман. Лекин ўз тажрибам, йўл кўйган хатоларимдан келиб чиқиб айтадиган жиҳатларим бор. Энг аввало, инглиз тили масаласига жуда жиддий қараш керак. IELTS-дан 6,5 ёки 7,0 балл олган бўлиш университетга кириш учун етарлидек туюлиши мумкин, лекин амалда бу кўп ҳолларда камлик қилади. Чунки инглиз тилида гаплаша олиш – бу масаланинг бир томони, академик муҳитда ўқиш, таҳлил қилиш, ёзиш ва фикрни химоя қилиш – мутлақо бошқа масала. Мен ҳам Америкага илк келган пайтларимда, айниқса, биринчи семестрда анча қийналганман. Журналистика соҳасида ўқийганим сабаб, матн билан ишлаш, таҳлилий ёзиш, муҳокамаларда иштирок этиш жуда катта тил захирасини талаб қилди. Бу ҳолат фақат менда эмас, бошқа кўплаб хорижда ўқийтган талабаларда ҳам учрайди. Шунинг учун агар имконият бўлса, айниқса, инглиз тилида таълим бериладиган мамлакатга кетишни режалаштираётган бўлсангиз, тил устида максимал даражада ишлашни маслаҳат бераман.

Иккинчи муҳим жиҳат – мактабдаги баҳолар. Агар ҳали мактаб ўқувчиси бўлсангиз, фақат инглиз тилига эмас, барча фанларга жиддий ёндашинг. Америка университетлари қабул жараёнида, айниқса, охириги уч йиллик GPAга катта эътибор қаратади. Шу боис ҳар бир фан бўйича барқарор ва яхши натижа кўрсатиш жуда муҳим. Шу билан бирга, мактаб фанлари билан чекланиб қолмаслик керак. Ўзингизни бошқа йўналишларда ҳам намоён этишга ҳаракат

қилинг: волонтерлик фаолияти, жамоат ишлари, мактаб ёки ёшлар клублари, ташаббуслар, лойиҳалар. Агар жамоага фойда келтирадиган клуб ёки ташаббусга бош-қош бўлган бўлсангиз, бу, албатта, устунлик ҳисобланади. Чунки бундай тажрибаларни кейинчалик эссе ёзишда асосли мисол сифатида келтириш мумкин. Эссе масаласига алоҳида тўхталиш жоиз. Америка университетларига топшириладиган эсселар оддий – “мен шу соҳани яхши кўраман” деган умумий гаплардан иборат бўлмаслиги керак.

Буни деярли ҳамма ёздади. Асосийси, соҳа танлашнингизга сабаб бўлган аниқ воқеа, шахсий тажриба. Масалан, мен журналистикани танлашимга чекка қишлоқда туғилиб ўсганим, атрофимдаги муаммоларни кўриб, уларни кенг жамоатчиликка етказиш истаги сабаб бўлган. Болалигимдан “буни кўрсатиш, овоз чиқариш керак” деган фикр мени илҳомлантирган. Шу воқеани эссемда очиб берганман. Ўзингизни ортинча мақташдан қочиб, самимий ва ҳаётий мисоллар орқали ёзиш қабул комиссиясининг эътиборини тортади. Агар “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали ўқишни мақсад қилган бўлсангиз, биринчи навбатда, Америка университетларидан расмий қабул хатига эга бўлишингиз шарт. Шунингдек, танқидий ёки мантқий фикрлашга оид тестларга ҳам жиддий тайёргарлик кўриш керак. Чунки танловда билим билан бирга тафаккур даражаси ҳам катта аҳамият касб этади.

— Самимий суҳбат учун ташаккур!

Илҳомжон АБДУҚАНОМ ўғли суҳбатлашди

Икки она

2009 йил. Фарзандсизлик дарди билан яшаб келган француз аёли Катрин Колетт Бубиан Москвага келиб, етимхонадан икки ёшли Кирилл исмли болани фарзандликка олади. Бу бола ҳаётга келишининг илк кунларидаёқ тақдирининг оғир синовиға дуч келган эди. Унинг биологик онаси – қирғизистонлик Тўлқиной эди.

Қодир Жўраев

Тўлқиной уша пайтда Москвада истиқомат қиларди. Тўрт ойлик ҳомиладорлик даврида у қўшнисидан сил касаллигини юқтириб олганди. Шифокорлар уни ҳаёт ва ўлим ўртасидаги даҳшатли танлов олдига қолдирди: ё даволашни бошлаб, ҳомиладан воз кечиш ёки болани сақлаб қолиб, ўз ҳаётини хатарга қўйиш. Тўлқиной иккинчи йўлни танлади. У касалликни даволаш ҳомила ривожига салбий таъсир қилиши мумкинлигини билиб, даволашидан бош тортиб ва туғишга қарор қилди. У боласини дунёга келтирди. Аммо ўзи бу ёруғ олам билан видолашди.

Тўлқинойнинг қариндош-уруғлари узоқ Қирғизистонда яшар, бола эса Россияда туғилган эди. Дафн маросимидан сўнг улар болани олиб кетиш истагини билдиришди. Бироқ болалар уйи маъмурияти Россия фуқаролиги масаласи туфайли кўплаб ҳужжатлар талаб қилди. Қариндошлар барча ҳужжатларни йиғиб келганларида эса, давлат боланинг ишончли қўлларда эканини баҳона қилиб, уни беришдан бош тортиди.

Шу тариқа, болани олиш учун уринишлар бесамар кетди.

Кирилл Францияда улғайди. Вақт ўтиб, у ўзининг келиб чиқиши, биологик оиласи ҳақида билишни истаётган бўлади. Асраб

Воқеий ҳикоя



олувчи онаси ундан ҳеч нарсани яшириб ўтирмади, бор ҳақиқатни рўй-рост гапирди берди. Кирилл 11 ёшга тўлганида она-бола «Жди меня» теледастури муҳаррирларига хат йўллашди.

Кирилл хатда биологик онаси туғилганидан бир ҳафта ўтиб вафот этганини, унинг фотосуратларини кўришни ва агар бор бўлса, она-

сининг бошқа фарзандлари билан учрашишни жуда истаганини ёзди.

Дастур ходимлари қидирув ишларини олиб бориб, Кириллнинг қариндошларини топишди. Маълум бўлишча, унинг акаси – 16 ёшли Ақилбек Боткен вилоятидаги Қараган қишлоғида ашар ва таҳсил олар экан.

Хўш, шунга нима бўпти, дерсиз. Ҳа, тўғри,

бу бир қарашда оддий воқеадек туюлиши мумкин. Аммо бу ҳикояда икки жасоратли она бор. Ва ҳар иккисининг олдига бош эгишга мажбур бўламиз.

Биринчиси – қирғиз аёли Тўлқиной. Унинг олдига икки йўл бор эди. Иккиси ҳам оғриқли. Лекин фақат бири – она юрагига яқинроқ эди. У ақл билан эмас, юрак амри билан қарор қабул қилди. Ўз ҳаётини қурбон қилиб бўлса-да, боласига ҳаёт бахш этди. Бу минбарларда айтилмайдиган, орденлар билан тақдирланмайдиган ҳолат эди. Бу – она қалбида содир бўлган буюк жасорат эди.

Иккинчиси – француз аёли Катрин. У етим болани ўз бағрига босди. Унга фақат жой ва нон эмас, меҳр, ишонч ва келажак ҳам берди. Кирилл учун у фақат асраб олган она эмас, ҳақиқий онага айланди. Қон билан эмас, қалб билан боғланган ришта энг мустаҳкам эканини у ўз ҳаёти билан исботлади.

У болани улғайтирди, тарбиялади, ҳақиқатдан қочмади ва унга ўз илдишларини топишга ёрдам берди. Шу тариқа етимлик ўрнида умид, ёлғизлик ўрнида ишонч қад ростлади.

Тўлқиной ва Катринга ухшаган аёллар ана шундай тарзда сокин аъмоллари билан тарих яратадилар. Улар учун энг муносиб ёдгорлик - дунёга келган ҳар бир боланинг ўсиб воғга етмоғи, она деган сўзнинг муқаддаслигидир.



ХАЛОЛЛИК МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТДИР



Премьердан сўнг

Ўзбек театри сахнасида жамиятдаги энг оғриқли ва долзарб мавзуларга бағишланган асарлар кўпайиб бораётгани қувонарли. Хусусан, яқинда Ўзбекистон давлат драма театри ижодкорлари томонидан томошабинга эътиборига ҳавола этилган “Қасамд” спектакли мазмун-моҳияти, ғоявий йўналиши ва ҳаётий ҳақиқатга суянган ўткир сюжети билан алоҳида аҳамият касб этади.

Орифжон ОДИЛОВ, журналист

Асарнинг асосий ғояси Ватанга садоқат, хизмат бурчи, виждон ва ҳалоллик тушунчаларини чуқур очиб беришдан иборат. Спектакль марказида катта лейтенант Темур Ақтамов образи туради. У ички ишлар тизимини ҳалолликни ҳаёт мазмунига айлантирган, бурчини муқаддас билган ёш офицер. Унинг отаси ҳам ички ишлар ходими бўлиб, хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган. Бу ҳолат унинг қалбига Ватанга ва қонунига садоқат туйғусини янада мустаҳкамлаган.

Темур ролини ижро этган Сирожиддин Сатторов қаҳрамоннинг ички драмаси, маънавий қатъияти ва руҳий мувозанатини ишонarli тарзда очиб бера олган. Унинг ижросида Темур нафақат қонун ҳимоячиси, балки виждонли пок, адолат йўлида ўлимга тик боришга тайёр инсон сифатида намоён бўлади. Асардаги энг таъсирчан образлардан бири Кумри ҳоладир. Бу роли маҳорат билан ижро этган Тамара Мирмаҳсудова она қалбига умид, сабр-тоқат ва изтиробни чуқур ҳис этгани сезилиб турибди. Ягона фарзандини йўқотиш хавфи остида ҳам адолатдан воз кечмайдиган она тимсоли спектаклга катта руҳий юк ва таъсирчанлик бағишлайди. Ушбу образ орқали она дуосининг илоҳийлиги, фақат оналаргагина хос бўлган меҳр, ирода-мотиватнинг беқиёс қудрати очиб берилади.

Сюжет чизигининг салбий қутби – Шабнам образи орқали жамият учун хавфли бўлган иллатлар фош этилади. Феруза Мелибоева ижросидаги ушбу қаҳрамон илгари Темурга мусиқа фанидан сабоқ берган, аммо кейинчалик бойлик ва манфаат ортидан қувиб, тубанлашиб кетган аёл. У хорижда ишлаб, бойлик ортиргич, маҳалласида тунги клуб, ресторан ва дорихона очади. Тадбиркорлик ниқоби остида ноконуний фаолият билан шуғулланади. Қўлбола ароқ ишлаб чиқариш, психотроп дорилар савдоси ва ахлоқсизлик жамиятни ичидан емирувчи иллатлар тимсоли сифатида кўрсатилади. Темурнинг унга қарши қатъий ва собит туриши, собиқ устозини тўғри йўлга чақириши спектаклдаги энг кескин, драматик нуқталардан биридир. Айниқса, Шабнамнинг Темурга пора тақдир қилиши ва унинг бу тақдирни рад этиши ҳалоллик ва ҳаром лўма ўртасидаги “қизил чизиқ”ни белгилаб беради. Асардаги яна бир муҳим жиҳат тизим ичидagi коррупция муаммосининг очиб берилишидир. Талиб Жабборов (Азамат Ҳазратқулов) Темурнинг сабоқдош дўсти бўлса-да, манфаат ва порахўрлик ботқоғига ботган шахс. Майор (Нодир Мирзахмедов) эса қонуни ҳимоя қилиш ўрнига хизмат мавқеидан фойдаланиш йўлини тутган мансабдор сифатида тасвирланади. Бу икки образ орқали коррупциянинг нафақат жамиятга, балки тизимнинг ўзига ҳам зарар келтириши очиб берилади. Улар Шабнам билан тил бириктириб, ҳалол ходим – Темурга қарши тўхмат уюштиришади. Гуё пора олаётгандек саҳна ташкил қилиб, уни қамоққа олишга эришадилар. Лекин спектакль умидсизлик билан яқунланмайди. Уч ойлик ноҳақ қамоқ, оғир маънавий синовлардан сўнг ҳақиқат қарор топади. Асл жиноятчилар фош этилиб, жазосини олади. Бу ечим асарнинг ғоявий юқини мустаҳкамлаб, “Адолат кечикса-да, барибир ғалаба қилади” деган фикрни илгари суради. Коррупция шундай иллатки, уни жамият ҳаётидан буткул йўқ қилиш, аввало, умуммиллий мақсадга айланиши зарур. Бунинг учун эса, биринчи навбатда, юрдошларимизда бу жиноятга тоқатсиз кайфиятни шакллантириш жуда муҳим. Асар муаллифи, драматург Исроил Асаров “Қасамд”ни яратганда ана шу кайфиятни ҳосил қилишга эришишни мақсад қилган бўлса ажаб эмас. Зеро, Темур ва унинг атрофидаги кимсалар ўртасидаги драматик интрига томошабинда пул эвазига виждонини ҳам сотадиганларга қарши кучли нафрат уйғотади. Шу жиҳатдан



Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ

Мутолаа жараёнидаги ўйлар

- Китоб – Оллоҳ инсонга ато этган улуғ, бебаҳо неъмат – тафаккур маҳсули.
- Китоб шунчаки қоғоз эмас, балки турли ёшдаги, турфа характерли, ҳар хил касбдаги ўнлаб, юзлаб инсонлар тўпланган маскан.
- Қайта-қайта ўқийдиган китобларим қаҳрамонларини тизим инсон каби тасаввур қиламан. Уларнинг наинки гап-сўзларини, ҳатто қадам товушларию нафас олишини ҳам эшитаман.
- Нега айрим китобларни ўқиганда йнглаймиз, баъзи китобларни мутолаа қилганда қулаими? Нега шундай? Абдулла Қаҳҳорнинг бир ҳикояси қаҳрамон ярим кечаси хотинидан носим қаерда, деб сўрайди. Хотини нима қиласиз, дейди. Мини бозорга бориб келаман... Нима қилардим носни, чекаман-да, дейди эр. Хўш, бу сатрларни ўқиб қуламайми? Мен кечаси ёлғиз ўзим ўқийётган эдим, беихтиёр балаң овозда қулиб юборганман ва ўзимнинг овозимдан ўзим ҳайратга тушганман. Булар қанчалар завқ, қанчалар роҳат бағишлайди инсонга.
- Грузинларда келин-куёв никоҳдан ўтаётганда Шота Руставелидан ўқиб бериши, келиннинг сепади “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” китоби бўлиши шарт экан. Қани эди бизнинг ёшларимиз ҳам Алишер Навоийданми, Бобурданми лоқақл тўрт мисра ўқиб берса. Келинларимиз сепади хориж кийим-кечаклари қаторида Навоий ҳазратларининг биронта китоби бўлса...
- Шундай хонадонларни кўрганман. Жуда ноёб, китобат санъатининг юксак намуналари асосида босилган китоблар жавонларга чиройли қилиб териб қўйилган. Шўрлик китоблар очиб ҳам кўрилмаган. Бундай ҳолат менга “олтин қафасдаги булбул” каби кўринган. Кимдир яхши китобга зор, кимнингдир уйда китоб хор.
- Китобга жонли мавжудот сифатида қарамоқ керак. Йиллаб ўқилмай ётган китоблар ичида юзлаб инсонлар ўз дардини тўқиб, чинакам дўстларини кутиб ётади. Уларга шафқат қилиш керак.
- Китоб ўқиш кўнгил эҳтиёжига айланиши лозим. Яшаш учун овқат ейиш қанчалар зарур бўлса, китобхонлик, мутолаа ҳам шу даражада заруриятга айланмоғи даркор.
- Яхши китоб учун на тузумнинг, на-да даврнинг, на сиёсатнинг аҳамияти бор. Умри боқий китоблардан ҳар бир замон кишиси ўзи учун керакли нарсани топа олади.
- Китоб – беминнат, таъмасиз дўст, сабрий суҳбатдош. У бизга билим, маслаҳат беради, йўл-йўриқ кўрсатади, эвазига ҳеч нарса сўрамайди.
- Китоб қаҳрамонларидан дўстингиз борми? Китоб қатигаги гўзаллардан кимнидир севиб қолганмисиз? Агар шундай бўлса, сиз бахтли одамсиз...
- Ҳаддан зиёд камтарлик манманликнинг бир кўриниши.
- Бирон хайрли ишни бир киши бошлайди, югуриб-елиб амалга оширади. Иш битга, уни бажарган “фидойилар” кўпайиб қолади. Бундайларни халқимиз ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир, дейди.

ADOLAT
Муассис: “Адолат” СДП Сийсий Кенгаши

QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

Бош муҳаррир: **Исроил ХАМРОЕВ**

Таҳрир хайъати:

Робохон МАХМУДОВА
Баҳром АБДУХАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Мухаммад АЛИ
Гавхар АЛИМОВА
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА

Қодир ЖўРАЕВ
Озода ПАРШИБОВЕВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ

Котибият – 71 288-42-14 (144); 95 076-07-75
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)

НАШР
Кўрсаткичи: 100

Газета 1995 йил 22 февралдан чика бошлаган

Навбатчи муҳаррир – Камол Матёқубов
Масъул котиб – Абдуғани Содиқов

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани “Шарк тонги” кўчаси, 23-уй.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 101

Адади – 2 727
Босишга топириш вақти – 21.00
Босишга топирилди – 21.10
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

“Шарк” НМАК босмохонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.